

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИРЛИБОВ СИРОЖИДДИН АЛИБОБО ЎҒЛИ

**ҚИСМАН АДЕНТИЯНИ ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21-Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Сирлибоев Сирожиддин Алибобо ўғли

Қисман адентияни чакка-пастки

жағ бўғимидаги ўзгаришларга асосланган

ҳолда даволашни такомиллаштириш 3

Сирлибоев Сирожиддин Алибобо угли

Усовершенствование лечения частичной

адентии на основе изменений

височно-нижнечелюстного сустава 21

Sirliboyev Sirojiddin Alibobo ugli

Improving the treatment of partial

adentia based on changes in the

temporomandibular joint 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИРЛИБОЕВ СИРОЖИДДИН АЛИБОБО ЎҒЛИ

**ҚИСМАН АДЕНТИЯНИ ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21-Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2024.3.PhD/Tib4959 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университети бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кубаев Азиз Сайдалимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Расмий оппонентлар:

Назарова Нодира Шариповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Копбаева Майра Тайтолеуовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Токай тиббиёт маркази (Япония)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 рақамли илмий кенгаш 2026-йил «_____» _____ соат _____ да Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-07-66; факс: (+99866) 233-37-75; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети ахборот-ресурсда танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатга олинган). 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-07-66; факс: (+99866) 233-37-75; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Ж.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раисининг, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, тиш қаторларидаги нуқсонлар жуда кенг тарқалган патология бўлиб, дунёнинг турли минтақаларида яшовчи катта ёшдаги аҳолининг 75% қисмида учрайди. Окклюзион патологиянинг кўлами, тишларнинг олиб ташланиши оқибатида, айниқса тиш қаторларининг ён қисмларида статик ва функционал окклюзиянинг ўзгариши билан намоён бўлади ҳамда ишчи томонда қозик тишлар ўзаро алоқасининг бузилиши билан кечади.

Жаҳонда чакка-пастки жағ бўғими ва чайнов мушаклари патологияси билан асоратланган окклюзион бузилишлар мавжуд беморларни ташхислаш ва даволаш муаммоларига катта аҳамият қаратилган. Стоматология муассасаларида ўтказилган текширувлар натижаси, тиш қаторлари нуқсонларини 40-75% ҳолатда учрашини кўрсатмоқда. Ривожланган окклюзион бузилишлар ўз навбатида чайнов мушаклари ва чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) функциясининг дискоординациясига олиб келади, уларга ноодатий ва ҳаддан ташқари кўп юклама тушади, бу эса кейинчалик мушак-бўғим бузилишлари ривожланиши, дисфункция шаклланиши ва оғрик синдроми пайдо бўлишига туртки бериши мумкин¹.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни, жумладан стоматологик хизмат сифатини тубдан яхшилаш, жаҳон андозалари талабларига етказиш борасида кенг қамровли дастурий ва мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, бугунги кунга келиб, жумладан жарроҳлик стоматологиясида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган.

Ушбу диссертация тадқиқоти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹Брагин Е.А., 2014; Шатров И.М., Жолудев С.Е., 2016; Арутюнов С.Д., 2017; Кравченко, 2018

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий дунёда ЧПЖБ ва чайнов мушаклари патологияси билан асоратланган окклюзион бузилишлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда (Бейнарович С.В., 2017; Доменюк Д.А. ва ҳаммуал., 2018). Қисман адентия энг кенг тарқалган стоматологик касалликлардан бири бўлиб, тиш қаторида бир ёки бир нечта тишларнинг йўқлиги билан тавсифланади. Тўлиқ ёки қисман адентия билан оғриган беморларда кўпинча окклюзион таянчнинг йўқолиши, чайнаш биомеханикасининг ўзгариши ва бўғим дискиннинг силжиши билан боғлиқ ЧПЖБ фаолиятининг бузилиши кузатилади (Дмитриенко С.В. ва ҳаммуал., 2020).

Эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, тишларнинг қисман йўқолиши катта ёшли аҳолининг 50 % ортиғида аниқланган бўлиб, бу патологиянинг кўп омилли табиатига боғлиқ: кариес, пародонтологик касалликлар, жароҳатлар, эндодонтик даволанишдан кейинги асоратлар ва бошқа сабаблар (Коннов В., 2018). Тиш қатори яхлитлигининг бузилиши тиш-жағ тизимида бир қатор функционал ва морфологик ўзгаришларга олиб келади. Энг аввало, чайнаш жараёни зарар кўради, окклюзияни статик ва динамик ҳолати ўзгаради, чайнаш босимининг бир текис тақсимланиши бузилади (Асташина Н.Б. ва ҳаммуал., 2022). Бундан ташқари, пародонт, антагонистлар ва қолган таянч тишлар томонидан компенсатор ўзгаришлар содир бўлади, бу эса кейинчалик тишларнинг патологик емирилиши, ҳаракатчанлиги ва тиш ёйларининг алоҳида қисмларини ортиқча юкланишига олиб келиши мумкин (Салеев Р.А. ва ҳаммуал., 2019).

Чакка-пастки жағ бўғими – чайнаш функциясини, нутқни ва бош-юз соҳасининг умумий биомеханикасини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Ушбу бузилишларни узок вақт давомида бартараф этмаслик эса оғриқ синдромини сурункали шаклга ўтишига, пастки жағ ҳаракатларини чекланишига ва ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин (Кубаев А.С., 2023). ЧПЖБни даволашнинг замонавий ёндашувлари нафақат протезлаш, балки бўғим фаолиятини тиклаш ва унинг ҳолатини барқарорлаштириш мақсадида фанлараро чораларни ҳам ўз ичига олади. Шундай бўлса-да, ушбу тоифадаги беморларда ЧПЖБни ташхислаш ва даволашнинг клиник жиҳатлари маҳаллий амалиётда етарлича ўрганилмаган (Алиев Н.Х., 2023). Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимидаги мақсадли чора-тадбирларга қарамай, бугунги кунда, хусусан жарроҳлик стоматологиясида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжуд (Сафарова М.З., 2021).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 5436011900258 «Юз-жағ соҳасининг шикастланишлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг

замонавий усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2019-2023йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган тиш қаторлари чайнов қисми нуқсонлари бўлган беморларда, қисман адентияни даволашни рақамли технологияларни ҳамда клиник диагностика усуллари қўллаш орқали такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиш қаторлари ён бўлимларида нуқсонлари бўлган беморларда, ишлаб чиқилган ЭХМ дастури ёрдамида мушак-бойлам тизимининг шикастланиш даражасини, ҳамда чакка-пастки жағ бўғими функциясининг топограф-анатомик бузилишларини аниқлаш;

электромиография ёрдамида чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган тиш қаторлари нуқсонли беморларда, тиш-жағ тизимининг морфофункционал ўзгаришларини аниқлаш;

рақамли технологиялардан фойдаланиб, окклюзион каппа тузилишини такомиллаштириш орқали ён тиш қаторлари нуқсонлари ва чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси асорати бўлган беморларда қозиқ тишлар дизокклюзиясини тиклаш;

чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган ён тиш қаторлари нуқсонлари мавжуд беморларни ортопедик даволаш самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 2021 йилдан 2024 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт университети Оғиз бўшлиғи жарроҳлиги ва дентал имплантология кафедрасида тиш қаторлари ён бўлимларининг чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган нуқсонлари бўлган 18 ёшдан 59 ёшгача – 94 нафар беморлар текширувдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида чакка-пастки жағ бўғими дисфункциясининг аниқлаш дастурларини натижалари, диагностик моделлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Беморлар умумий қабул қилинган клиник, рентгенологик (ЧПЖБ компьютер томографияси, чакка-пастки жағ бўғими зонографияси, юзаки ЭМГ, окклюзиография) ва статистик усуллар ёрдамида текширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чакка пастки жағ бўғими дисфункцияларида, жағларнинг марказий нисбатини аниқлашни функционал усулини қўллаш орқали, марказий окклюзияда чакка-пастки жағ бўғимлари элементларининг топограф-анатомик муносабатларини, ҳамда симметриясини таъминлашга имкон берган;

илк бор, чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган ён тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда чайнов мушакларининг биоэлектрик фаоллигига асосланган электромиография ёрдамида тиш-жағ аппаратининг морфофункционал ўзгаришлари таҳлили ўтказилган;

қозиқ тишлар дизокклюзиясини бартараф этиш учун, ҳамда тиш қаторларининг ўзаро окклюзион нисбатларини тиклаш учун мўлжалланган

окклюзион каппа конструкцияси мушак-бўғим функционал ўзгаришларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган ён тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда, қозик тишлар дизокклюзиясини тиклаш учун мўлжалланган, такомиллаштирилган "юқори жағ каппаси"ни қўллаш орқали ва окклюзионограмма индекси $86,15 \pm 1,51\%$ $p < 0,001$ кўрсаткичларини юқорига кўтарилиши орқали ортопедик даволаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Таклиф этилган такомиллаштирилган юқори жағ окклюзион каппаси ўзаро окклюзион муносабатлар индексини ҳисоблаш дастури билан биргаликда ташхис қўйишни объективлаштириш ва мушак-бўғим бузилишларини бартараф этиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Ушбу ишланмаларнинг жорий этилиши тиш қаторларининг ўзаро алоқаларини тиклаш ва чакка-пастки жағ бўғими функционал ҳолатини нормаллаштиришни таъминлади.

Тадқиқот натижасида рақамли ташхислаш ва такомиллаштирилган юқори жағ каппасини қўллашни бирлаштирган комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди. Ушбу усулни ён тиш қаторлари нуқсонларида амалий қўллаш мушак-бўғим тизимида тушаётган юкламани тўғри тақсимлашни таъминлади.

Тиш қаторларининг дизокклюзиясига эътибор қаратган ҳолда ўзаро окклюзион муносабатларни тиклашдан иборат бўлди ва бу нафақат чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси аломатларини бартараф этиш, балки ортопедик даволаш натижаларини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, аналитик, функционал ва статистик тадқиқот усулларида тиш қаторлари ён бўлимларининг ЧПЖБ дисфункцияси билан асоратланган нуқсонларини коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш, даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тишларини қисман йўқотган беморларда мушак-бўғим дисфункцияларининг функционал ҳолатини баҳолашга нисбатан комплекс диагностик ёндашувни назарий жиҳатдан асослашдан иборат. ЭХМ учун ишлаб чиқилган дастур касалликнинг оғирлик даражаси ва ЧПЖБдаги морфофункционал ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида янги маълумотларни олиш имконини берди ва жағларнинг марказий нисбатини аниқлашнинг функционал усули чайнов мушакларининг биоэлектрик фаоллигини синхронлаштириш ва бўғим функциясининг

симметриясини таъминлайдиган бўғим элементлари топографиясини тиклашнинг патогенетик жиҳатдан асосланган воситаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларга ортопедик ёрдам кўрсатишни оптималлаштиришдан иборат, модификацияланган окклюзион каппани қўллаш стандарт аппаратларга нисбатан морфофункционал кўрсаткичларнинг янада яққолроқ ижобий ўзгаришларини таъминлайди ва бу эса мушак- бўғим тизимининг жағларнинг марказий нисбатига тезроқ мослашишига кўмаклашади ҳамда мазкур ҳолат электромиография маълумотлари билан тасдиқланади ва ушбу ёндашувни ортопедик стоматология бўлимлари амалиётига кенг жорий этишни тавсия қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 26 августдаги 05/20-сон хулосасига кўра;

биринчи илмий янгилик: чакка пастки жағ бўғими дисфункцияларида, жағларнинг марказий нисбатини аниқлашни функционал усулини қўллаш орқали, марказий окклюзияда чакка-пастки жағ бўғимлари элементларининг топограф-анатомик муносабатларини, ҳамда симметриясини таъминлашга имкон берган; *илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Жағ суяклари атрофияси билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда, олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Жағ суяклари атрофиясида суяк тўқимасини йўналтирилган регенерациясига янгича ёндашувлар" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 30 декабрдаги 8н-р/1597-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси(03.02.2025 йилдаги №10-и маълумотномаси) ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси(03.02.2025 йилдаги №13 маълумотномаси) амалий фаолиятига жорий этилган; *ижтимоий самарадорлиги:* ЭХМ дастурини қўллаш тиш қатори нуқсонлари топографияси, оғриқ дисфункцияси синдроми, тишлар ва тиш қаторларининг окклюзион бузилишлари мавжудлиги, шунингдек, чайнов мушаклари функциясида муаммолар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда тузилган; *илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* ишлаб чиқилган ЭХМ дастури оғриқ синдромининг табиати, жойлашуви, пайдо бўлиш вақти ва сабабларини, шунингдек оғриқ синдромининг оғирлик даражасини баҳолаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк бор, чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган ён тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда чайнов мушакларининг биоэлектрик фаоллигига асосланган электромиография ёрдамида тиш-жағ аппаратининг морфофункционал ўзгаришлари таҳлили ўтказилган; *илмий янгиликнинг аҳамияти:* тавсия этилган дастурлар ёрдамида ЧПЖБ дисфункцияси билан асоратланган тиш қаторлари ён бўлимлари нуқсонлари бўлган беморларда, ташқи кўрик ўтказилган, бунда юз конфигурацияси, тери ҳолати, айниқса ЧПЖБ соҳасидаги унинг қатламлари, бурун-лаб ва ияк бурмаларининг ифодаланганлик даражаси, лабларнинг ёпилиш характери, юз пастки қисмининг баландлиги, шунингдек юз асимметриясининг

мавжудлиги ёки йўқлиги аниқланган; *илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: Жағ суяклари атрофияси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Жағ суяклари атрофиясида суяк тўқимасини йўналтирилган регенерациясига янгича ёндашувлар" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 30 декабрдаги 8н-р/1597-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси(03.02.2025 йилдаги №10-и маълумотномаси) ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси(03.02.2025 йилдаги №13 маълумотномаси) амалий фаолиятига жорий этилган; *ижтимоий самарадорлиги*: ушбу дастур ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункциясининг турли даражаларига хос бўлган клиник симптомларни умумлаштириш асосида тузилган, шунингдек, ҳар бир беморнинг беморий маълумотларини киритишни ва ушбу патологияни текшириш ва даволаш бўйича тавсиялар беришни назарда тутди; *иқтисодий самарадорлиги*: тавсия этилган компьютер дастурлари ёрдамида ЧПЖБ дисфункцияси билан асоратланган тиш қаторлари ён бўлимлари нуқсонлари бўлган беморларда бир бемор учун харажатларни 1.5 баробар камайтириш имконини берган, бу эса ўз навбатида асоратлар частотасини камайтиришга имкон берган; *илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши*: беморларни текширишда пастки жағнинг ишлаши, шунингдек, тиш қаторлари дўмбоқчаларининг максимал алоқаси даврида ЧПЖБ ва чайнов мушакларини пайпаслаш муҳим босқич бўлиб хизмат қилган.

учинчи илмий янгилик: қозик тишлар дизокклюзиясини бартараф этиш учун, ҳамда тиш қаторларининг ўзаро окклюзион нисбатларини тиклаш учун мўлжалланган окклюзион каппа конструкцияси мушак-бўғим функционал ўзгаришларини инobatга олган ҳолда такомиллаштирилган; *илмий янгиликнинг аҳамияти*: тиш қаторларининг ўзаро окклюзион нисбатларини тиклаш учун қозик тишлар дизокклюзиясини бартараф этиш орқали чайнов мушаклари ва чакка-пастки жағ бўғимининг мувозанатли функциясини тиклайдиган юқори жағ каппанинг тури таклиф этилган ва амалиётда синовдан ўтказилган; *илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: Жағ суяклари атрофияси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Жағ суяклари атрофиясида суяк тўқимасини йўналтирилган регенерациясига янгича ёндашувлар" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 30 декабрдаги 8н-р/1597-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси(03.02.2025 йилдаги №10-и маълумотномаси) ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси(03.02.2025 йилдаги №13 маълумотномаси) амалий фаолиятига жорий этилган; *ижтимоий самарадорлиги*: Юқори жағ қопқоғида пастки жағ антагонист тишларининг излари мавжуд, шунингдек, юқори жағ қозик тишларининг танглай юзаси проекциясида қалинлиги 0,3 мм бўлган металл пластинкали йўналтирувчи эгатчалар мавжуд. Йўналтирувчи арикчалар

юқори жағ қозик тишининг танглай юзаси бўйлаб пастки жағ бўғим ўсимтасининг ҳаракатини тиклаш учун мўлжалланган; *иқтисодий самарадорлиги*: молярлар дизокклюзиясини бартараф этиш учун "юқори жағ каппа" окклюзион каппанинг конструкцияси модификацияланган бўлиб, битта бемор учун харажатларни 3 500 000 сўмга камайтириш имконини берган; *илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши*: тиш қаторларининг ўзаро окклюзион муносабатларини тиклаш учун таклиф этилган каппанинг афзалликлари, йўналтирувчи арикчанинг мавжудлиги билан ифодаланади, бу эса беморнинг пастки жағни мақсадсиз ҳаракатланиш имкониятини чеклайди ва пастки жағ ҳаракатларига маълум бир йўналиш беради.

тўртинчи илмий янгилик: чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси билан асоратланган ён тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда, қозик тишлар дизокклюзиясини тиклаш учун мўлжалланган, такомиллаштирилган "юқори жағ каппаси"ни қўллаш орқали ва окклюзиограмма индекси $86,15 \pm 1,51\%$ $p < 0,001$ кўрсаткичларини юқорига кўтарилиши орқали ортопедик даволаш самарадорлиги исботланган; *илмий янгиликнинг аҳамияти*: ЧПЖБ патологияси билан кечадиган тиш қаторлари ён бўлимлари нуқсонлари бўлган беморлар, комплекс даволанишга муҳтож бўлиб, бу ўз навбатида окклюзияни нормаллаштириш учун турли хил каппалардан фойдаланишни ўз ичига олади; *илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотда олинган илмий натижалар асосида ва жағ суяклари атрофияси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган, "Жағ суяклари атрофиясида суяк тўқимасини йўналтирилган регенерациясига янгича ёндашувлар" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.12.2024 йилдаги 8н-р/1597-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси (03.02.2025 йилдаги №10-у маълумотномаси) ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси (03.02.2025 йилдаги №13 маълумотномаси) амалий фаолиятга жорий этилган; *ижтимоий самарадорлиги*: қозик тишлар окклюзияси сақланган беморларда ЧПЖБ дисфункцияси белгилари яққолроқ ва ифодаланган бўлиб, қозик тишлар окклюзияси бузилган беморларда такомиллаштирилган ортопедик даволаш 82,3% ҳолатда самарали эканлиги исботланган; *иқтисодий самарадорлиги*: юқори жағ бўшлиғи дисфункцияси ва озиқ тишлар прикусининг бузилиши билан асоратланган тиш қаторлари ён бўлимлари нуқсонлари бўлган беморларда, ортопедик даволаш самарадорлиги бир беморга тўғри келадиган асосий харажатларни 1,5 баробарга камайтирган; *илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши*: такомиллаштирилган ортопедик даволашдан сўнг олинган натижаларни объектив баҳолаш учун 96,87% беморларда юзнинг симметрик ҳолати мавжудлиги, 3,13% беморларда юзнинг жипслашишида юз асимметрияси шаклланиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилди, шулардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида Тиш қаторларини нуқсонлари ва уларнинг чакка-пастки жағ бўғими патологияси ривожланишидаги роли, окклюзия ва мушак-бўғим бузилишларини ташхислаш усуллари, тиш қаторлари билан асоратланган нуқсонларини даволаш усуллари бағишланган хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари илмий шарҳи таҳлил қилинган. Диссертант томонидан тиш қатори нуқсонлари ва чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси ривожланишнинг этиологияси, беморларни самарали ташхислаш ва дифференциал даволаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари тартиби бўйича маълумотлар келтирилган. 2021 йилдан 2024 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт университети Оғиз бўшлиғи жарроҳлиги ва дентал имплантология кафедрасида 94 нафар бемор текширувдан ўтказилган ва ортопедик даволаш усулига қараб 3 гуруҳга бўлинди: назорат гуруҳ 32 та беморга анъанавий хирургик даво тиш қаторлари нуқсонларини протезлаш муолажалари ўтказилди. Қиёсий гуруҳ 31 беморда қозик тишлар дизокклюзияси тиклашга қаратилган муолажалар, окклюзион каппалар ёрдамида амалга оширилди, кейин тиш қаторлари нуқсонларини протезлаш усуллари қўлланилди. Асосий гуруҳ 31 та беморда қозик тишлар дизокклюзияси тиклашда биз таклиф этган модификациядаги окклюзион каппалардан фойдаланилди, кейин тиш қаторлари нуқсонларини протезлаш бўйича муолажалар амалга оширилди.


Сўровдан сўнг беморлар ташқи кўрикдан ўтказилди, бунда юз конфигурацияси, тери ҳолати, айниқса ЧПЖБ соҳасидаги тери қатламлари,

бурун-лаб ва ияк бурмаларининг ифодаланганлик даражаси, лаблар характери, юз пастки қисмининг жойлашиш баландлиги, шунингдек юз асимметриясининг мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари, пастки жағ эркин ҳаракатларининг симметриклиги ва амплитудаси, оғизни очиш ва ёпишда силжишларнинг мавжудлиги баҳоланди.

Оғриқ дисфункцияси синдромини янада батафсил ташхислаш учун биз "Чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункцияси синдромининг оғирлик даражасини аниқлаш дастури"дан фойдаландик. Биз томонимиздан "Чакка-пастки жағ бўғимининг биомеханик кўрсаткичлари асосида қисман адентияли беморларни даволашни такомиллаштириш" ЭХМ дастури ишлаб чиқилди.

Юқори жағ каппалари пастки жағ антагонист тишларининг изига эга, юқори молярларнинг танглай юзаси проекциясида ҳам қалинлиги 0,3 мм бўлган металл пластинкалардан иборат йўналтирувчи планкалар мавжуд. Йўналтирувчи планкалар юқори молярнинг танглай юзаси бўйлаб пастки жағ юмалоқ шаклининг ҳаракатини тиклаш учун мўлжалланган.

1-расмда тиш қаторларининг ўзаро окклюзион муносабатларини тиклаш учун юқори жағ каппанинг схемаси келтирилган.



1-расм. Юқори жағ каппаси схемаси: 1 — юқори жағ; 2 — юқори жағ тиш қатори; 3 — юқори жағ қозик тиши; 4 — каппа; 5 — йўналтирувчи эгатча; 6 — металл пластинка; 7 — пастки жағ антагонист тишлари изи.

Эгатчанинг кенлиги ва чуқурлиги пастки жағ қозик тишларининг индивидуал анатомик тузилишидан келиб чиқиб ҳисобланган.

Диссертациянинг **"Шахсий тадқиқот натижалари"** деб номланган учинчи бобида тадқиқотга киритилган уч гуруҳ беморларнинг клиник текширув натижалари келтирилган.

Текширилган беморларда тиш қаторлари ён юзаларининг нуқсонлари ва ЧПЖБ дисфункцияси белгилари устунлик қилди. Тадқиқот гуруҳларидаги барча беморларда ЧПЖБ соҳасини пайпаслаш жараёнидаги ноҳуш сезгилар, 3,13% да оғриқ сезгилари қайд этилган, бироқ 87,50% беморларда ЧПЖБ соҳасини пайпаслашда эса оғриқ сезилмаган, 90,63% беморларда чайнов мушакларини пайпаслашда оғриқ сезилмаган. Бирдан учтагача мушакларни пайпаслаш, текширилган беморларнинг 9,37 фоизида оғриқ келтириб чиқарди. Аускультацияда пастки жағ ҳаракатларида бўғим шовқинлари 40,63%,

пайпаслашда патологик бўғим шовқини 9,37% беморларда аниқланди, 50% беморларда эса патологик бўғим шовқини аниқланмади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ЧПЖБ бузилишларининг оғирлик даражасини аниқлаш ЭХМ дастури маълумотларига кўра, юз асимметрияси тиш қаторлари нормал окклюзияси бўлган беморларнинг 18,75% да қайд этилган, 12,50% ҳолатда асимметрия оғиз очилганда йўқолган ва 6,25% ҳолатда юз асимметрияси пастки жағнинг вертикал ҳаракатларида ҳам сақланиб қолган, 81,25% беморларда эса юз нормал окклюзия ҳолатида симметрик бўлган.

Оғизни очиш ва ёпишда чайнов мушаклари соҳасида оғриқ 9,37% ҳолатда кузатилган, 90,63% беморларда чайнов мушаклари соҳасида оғриқ кузатилмаган, 87,50% беморларда оғриқ сезгиси бўлмаган, 9,37% беморларда анамнезида оғриқ синдроми бир марта қайд этилган, 3,13% беморларда оғриқ синдромининг шаклланиши даврий характерга эга бўлган. 87,50% ҳолларда оғриқ синдроми мавжудлигига шикоят бўлмаган, асосий гуруҳ беморларининг 12,5% да пастки жағ ҳаракати чакка-пастки жағ бўғимида оғрикни келтириб чиқарган, 87,50% беморларда оғриқ кузатилмаган. Бунда 9,37% беморларда оғриқ фақат пастки жағнинг вертикал ҳаракатларида юзага келган бўлса, 3,13% беморларда оғриқ пастки жағнинг турли ҳаракатлари туфайли юзага келган. Оғиз очилганда пастки жағнинг юз ўрта чизигига нисбатан симметрик ҳаракатлари 34,38% беморларда, девиация 53,12%, дефлексия 12,50% беморларда кузатилди, яъни оғиз очилишининг охирида пастки жағ камида 2 мм га ён томонга силжиган.

Шундай қилиб, тиш қаторлари ён бўлимларида нуқсон ҳамда ЧПЖБ дисфункциясининг турли белгилари қайд этилган ва клиник текширувдан кейин ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункциясининг ифодаланиш кўлаmidан келиб чиқиб тақсимланди ва унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Текширилаётган беморларининг ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункцияси оғирлик даражасининг тақсимланиши

Мушак-бўғим дисфункцияси даражаси	Балл миқдори	Беморлар сони			
		Назорат гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	%
Йўқ	0	0	0	0	0
Енгил	1-10	22 (68,75%)	10(32,26%)	11(35,483%)	68,75
Ўрта	11-20	7 (21,88%)	13 (41,94%)	12 (38,71%)	21,88
Оғир	21-50	3 (9,37%)	8(25,8%)	8 (25,81%)	9,37
Жами	50	32	31	31	100

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тиш қаторларининг ён бўлимларида нуқсон аниқланган, назорат гуруҳда қозик тишлар дизокклюзияси бўлган беморларда, асосан ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункциясининг енгил даражаси кўпроқ, ўрта ва оғир даражалари эса камроқ учраган, қиёсий ва асосий гуруҳда эса ўрта даражаси кўпроқ учраганлиги кузатилган.

Тишлар ва тиш қаторларининг ўзаро окклюзион муносабатларини ҳисоблаш бўйича компьютер дастури маълумотларига кўра, 59,38% беморда тиш қаторларининг одатий окклюзияда эрта контактга киришиши аниқланмаган. Одатий окклюзиядаги суперконтактлар 40,62% беморда учраган. Улардан 15,62% беморда муддатидан аввалги 1-2 контакт кузатилган. 15,62% беморда эрта контактлар 3-4 ҳолатда, 9,38% беморларда 5 ва ундан ортиқ вазиятда аниқланган.



1-расм. Бемор А., 39 ёш. Одатий окклюзияда жипслаштирилган тиш қаторларининг даволашдан аввалги ҳолати фотосуратлари: ўнг томондан кўриниши (а), олд томондан кўриниши (б), чап томондан кўриниши (в).

Динамик окклюзияда суперконтактлар 37,50 % беморда қайд этилган. 18,74% ҳолатда 1-2 эрта контакт аниқланган бўлса, 9,38% вазиятда 3-4 суперконтакт, 9,38% ҳолатда динамик окклюзиянинг 5 ва ундан ортиқ эрта контакти қайд этилган. Текширувдан ўтказилган беморларнинг 62,50% вакилида динамик окклюзияда эрта контактлар аниқланмаган.

Текширув пайтида 68,75% бемор оғиз бўшлиғида ҳамма талабларга жавоб берадиган ва алмаштириш зарурати бўлмаган, олинмайдиган ортопедик конструкциялар мавжуд бўлган, 31,25% ҳолатда оғиз бўшлиғида ортопедик конструкциялар йўқлиги қайд этилган.

Шундай қилиб, беморларни компьютер дастури ёрдамида текшириб, тишлар ва тиш қаторларининг ўзаро окклюзион муносабатларидаги бузилишлар индекси баҳоланган. Унинг натижалари 2-жадвалда ифодаланган.

2-жадвал

Тишлар ва тиш қаторлари окклюзион муносабатларининг бузилиши индекси бўйича беморларни тақсимлаш

Окклюзион бузилишлар индекси	Балл миқдори	Беморлар сони			
		Назорат гуруҳ	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	%
Йўқ	0	0	0	0	0
Енгил даража	1-7	18	9	8	56,25
Ўрта даража	8-21	11	15	15	34,37
Оғир даража	22-35	3	7	8	9,38
Жами	35	32	31	31	100

Назорат гуруҳда ўзаро окклюзион муносабатларнинг ўртача кўрсаткич $7,00 \pm 0,1$ баллни енгил даражаси аниқланган беморларда, ўрта оғирлик даражасига эга беморларда $12,36 \pm 0,90$ баллни, оғир даражали беморларда $13,00 \pm 0,12$ баллни ташкил этган. Қиёсий ва асосий гуруҳларда эса ўртача кўрсаткич $14,20 \pm 0,49$ баллни ўрта оғирлик даражасига эга беморларда, 14,00

$\pm 0,12$ баллни, оғир даражали беморларда ташкил килди. Окклюзиограмма индекси $82,63 \pm 0,93\%$, ўрта даражада — $75,00 \pm 3,42\%$, оғир даражада — $50,92 \pm 6,07\%$ қийматни ҳосил қилган (3-жадвал).

3-жадвал

Жағлар максимал ёпилганда чайнов мушакларининг ЧПЖБ МБД оғирлик даражасидан келиб чиқадиган функционал ҳолати ва унинг ЭМГ маълумотлари бўйича тавсифи, мкВ

ЧПЖБ МБД даражаси	Назорат гуруҳ					
	Чайнов		Чакка		Тил ости суяги усти	
	ўнг	чап	ўнг	чап	ўнг	чап
Енгил	$359,90 \pm 11,67^{**}$	$360,28 \pm 10,42^{***}$	$357,95 \pm 9,11^{**}$	$360,27 \pm 9,64^*$	$169,00 \pm 5,65^*$	$170,00 \pm 5,77^*$
Ўрта	$304,71 \pm 14,79^{***}$	$205,28 \pm 13,00^{***}$	$334,85 \pm 24,33^*$	$334,57 \pm 22,27^*$	$201,57 \pm 10,89^{**}$	$193,85 \pm 9,09^{**}$
Оғир	$244,00 \pm 11,59^{***}$	$251,33 \pm 8,68^{***}$	$273,00 \pm 12,34^{**}$	$276,33 \pm 6,11^{***}$	$259,33 \pm 9,83^{**}$	$273,33 \pm 4,25^{***}$
ЧПЖБ МБД даражаси	Қиёсий гуруҳ					
	Чайнов		Чакка		Тил ости суяги усти	
	ўнг	чап	ўнг	чап	ўнг	чап
Енгил	$312,70 \pm 18,45^{***}$	$291,30 \pm 15,57^{***}$	$328,10 \pm 16,27^{**}$	$322,20 \pm 18,04^{**}$	$223,30 \pm 19,82^{**}$	$222,90 \pm 19,10^{**}$
Ўрта	$239,07 \pm 15,72^{***}$	$235,61 \pm 15,56^{***}$	$264,84 \pm 13,23^{***}$	$265,76 \pm 13,24^{***}$	$244,00 \pm 17,97^{***}$	$244,07 \pm 16,77^{***}$
Оғир	$207,37 \pm 22,76^{***}$	$203,00 \pm 23,38^{***}$	$225,00 \pm 28,51^{**}$	$229,25 \pm 27,58^{***}$	$298,75 \pm 25,76^{***}$	$299,25 \pm 24,06^{***}$
ЧПЖБ МБД даражаси	Асосий гуруҳ					
	Чайнов		Чакка		Тил ости суяги усти	
	ўнг	чап	ўнг	чап	ўнг	чап
Енгил	$299,72 \pm 16,28^{***}$	$289,90 \pm 13,95^{***}$	$342,81 \pm 16,62^*$	$330,27 \pm 17,22^{**}$	$212,90 \pm 20,63^*$	$216,45 \pm 21,37^*$
Ўрта	$238,91 \pm 18,35^{***}$	$239,41 \pm 18,57^{***}$	$248,75 \pm 16,77^{***}$	$250,25 \pm 16,95^{***}$	$224,00 \pm 13,25^{***}$	$231,50 \pm 14,53^{***}$
Оғир	$194,12 \pm 24,72^{***}$	$191,50 \pm 24,20^{***}$	$232,62 \pm 29,70^{***}$	$215,00 \pm 28,11^{***}$	$261,87 \pm 25,14^{**}$	$264,00 \pm 24,61^{**}$

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$ (назорат гуруҳи билан фарқлар ишончли).

Нисбатан тинч физиологик ҳолатда бўлган барча текширилган беморларда чайнов мушакларининг электромиографик текширувида 6,25% беморларда 73 мкВ қийматга етган спонтан фаоллик аниқланди. 93,75% беморларда чайнов мушакларининг спонтан фаоллиги кузатилмади.

4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, тиш қаторлари ён бўлимлари ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункциясининг оғир даражаси билан асоратланган қозик тишлар дизокклюзияси бўлган беморларда чайнов мушаклари фаоллигининг энг кўп пасайиши кузатилди, чайнаш вақтининг тинч вақтдан устунлиги қайд этилди, бу эса мушакларнинг мувозанатли функциясининг бузилишини кўрсатди.

Назорат ва қиёсий гуруҳларда интакт тиш қаторларига эга ва МБД белгилари аниқланмаган беморларида, чайнов мушаклари биоэлектрик

фаоллигининг жағлар максимал жипслаштирилгандаги ўртача амплитудаси ўнг томонда $410,50 \pm 8,66$, $528,54 \pm 4,02$ мкВ, чап тарафда $415,45 \pm 4,72$, $529,81 \pm 3,69$ мкВ қийматни ташкил этган. Ташқи кўрувда, ушбу гуруҳнинг 41,94% беморларида тишлар жипслаштирилган пайтда юз асимметрия ҳолатига тушиши ва у оғиз очилгандан ўтиб кетиши кузатилган. 32,26 % беморда мавжуд юз асимметрияси оғиз очилганда ҳам сақланиб қолган, 25,80% беморда тиш қаторлари жипслаштирилганда ҳам юз симметрияси меъёрий ҳолатда экани аниқланган.

